ҚАДИМГИ УЙҒУР ХОҚОНЛАРИНИНГ УНВОНЛАРИ ҲАҚИДА

Р.А.Алимуҳамедов

Мақола қадимги уйғур хоқонлари унвонларининг талқинларини ўрганишга қаратилган. Унда хоқон унвонида келган ҳар бир бўлак-компонент таҳлил этилиб, уларнинг вазифаси ва англатган маъноси ёритиб берилган. Бундан ташқари, профессор Қ.Содиқов талқини асосида мазкур унвонларнинг формуласи келтирилган.

Калит сўзлар: *унвон, эпиграфик матн, хоқон даражаси, унвон формуласи.*

Статья посвящена изучению толкований титул(унван)ов древнеуйгурских правителей. Анализируется каждый из компонентов титула, освещены их функции и раскрыто значение. Кроме того, представлены формулы этих титулов, на основе толкований профессора К.Садыкова.

Ключевые слова: *титул, эпиграфический текст, положение кагана, формула титула.*

This article is devoted to the interpretation of titles of rulers of old Uyghur Khanate. In the article gives the meaning and essence of each word in the titles. In addition, it gives the formula of these titles based on the idea of prof. K.Sadikov.

Key words: *title, epigraphic text, position of khan, formula of title.*

Ўтмишда яшаб ўтган хоқон, хон, султон ва бекларнинг давлат номидан эълон қилган ёрлиқларининг бошланиш қисмида уларнинг унвонлари битилган. Ушбу унвонларда уларнинг даражалари, сифатлари ва номлари акс этган [1.364–365].

Фанда қадимги туркий битигларда келган унвонлар тарихий ҳамда филологик жиҳатдан ўрганилган [2]. Шунга қарамай, туркий тилли унвонларнинг тадқиқ этилмаган жиҳатлари ҳам бор. Булар сирасига унвонлардаги эътиқод масаласи билан боғлиқ тушунчалар киради [3.20]. Шу жиҳатдан уйғур хоқонлиги даврида (744-840) яратилган эпиграфик матнлардаги хоқон унвонларини кўриб чиқамиз.

Уйғур хоқонлиги давридан етиб келган эпиграфик ёдгорликлар, асосан, Элэтмиш Билга ва Бўгу хоқон ҳукмронлиги даврида тикланган [5.215]. Улар сирасига Терхин, Селенга, Тесин, Сэврей ҳамда Қорабалғасун (Ўрдубалиқ) ёдгорликлари киради [6].

Юқорида санаб ўтилган ёдгорликлар орасида энг йириги ва аҳамиятлиси Қорабалғасун ёдгорлигидир. Фанда у уч комплекс ёдгорлик шаклида ўрганилади. Шулардан 3-Қорабалғасун битиги трилингва: туркий, хитойча ва суғдча матндан иборат. Матнларнинг бир-бирини айнан такрорламаслиги [3.24] улар уч муаллиф томонидан битилган деган хулосага олиб келади. Қорабалғасун битигида энг яхши сақлангани хитойча матнидир. Қолганлари анча уринган. Айниқса, туркий матннинг жуда оз қисми сақланган. Ёдгорликдаги хитойча матн ҳам хон унвони билан бошланади. Хитойшунос А.Камолов уни ўша даврдан қолган туркий битигларда ги *ay täŋridä qut bolmïš alp bilgä* [*qağan*] билан тенг қўяди [4.194]. Шундай қабул қилингудек бўлса, унвонда келган сўзларнинг маъноси қуйидагича бўлади: *Ay täŋri* – монийликдаги худолардан бири [7.24]; *-dä* чиқиш келишиги қўшимчаси [8.152]; *qut* – “марҳамат” маъносида [7.471]; *bolmïš* – ушбу сифатдош нашрларда “бўлган” деб ўгирилган [9]. Матнларда учрайдиган ушбу сўзни профессор Қ.Содиқов ўзгача талқин этади. Унингча, сифатдошни бундай ўқиш матн мазмунига путур етказади. Кўк турк ёзуви имлосига кўра, *и* ҳамда *о* товушлари учун бир ҳарфий белги (›) ишлатилишини инобатга олиб, ушбу сўзни *bulmïš** (топган, эришган) деб ўқийди [10]. Бундай талқин матн мазмунига ойдинлик киритади. *alp bilgä* – хоқоннинг сифати. Манбаларда ушбу ном остида 808–821 йиллар давомида ҳукмронлик қилган уйғур хоқони (хитой манбаларида Баои) унвон сифатида фойдаланган айтилади [4.198]. Унвон сўнгидаги *qağan* – сўзи хоқоннинг даражасидир.

Шу ўринда Кул тигин ҳамда Билга хоқон битигтошларининг бошламасини эсласак. Масалан, Билга хоқон битиги хоқоннинг қуйидаги унвони билан бошланади: *Täŋri-täg täŋri yaratmïš türk Bilgä qağan sabïm* [11.62]. Унвонни Қ.Содиқов уч компонентга бўлади: *täŋri-täg täŋri yaratmïš* – тангри яратганлигининг эътирофи; *türk Bilgä qağan* – хоқоннинг оти ва унвони; *sabïm* – “сўз, фармон, ёрлиқ”нинг хоқонга қарашлилигини англатувчи бўлак. Олимнинг хулосасига кўра, кўк турк хоқонликлари хоқонлари унвонларининг формуласи қуйидагичадир: ***Y+U+A+sabïm*** (Тангри яратганлигининг эътирофи + ҳукмдорнинг унвони + оти + sabïm) [11.62].

Қ.Содиқов ўз фикрини давом эттириб, кейинги юзйилликлар (ўрта асрлар (XV) – Р.А.)да яратилган унвонлар яна бир компонент (адресат) билан бойиганини таъкидлаб, формулани қуйидаги тартибда тўлдиради: **[*Y+U*]+*A+sabïm+Ad*** [11.62].

Биз кўриб чиқаётган унвоннинг биринчи компоненти *ay täŋri* – монийликдаги тангри номи. Иккинчи компоненти *qut bulmïš* – хоқон тангридан марҳамат топганининг белгиси. Шунга кўра, *ay täŋridä qut bulmïš* иборасини “Ой тангридан марҳамат топган // Ой тангрининг марҳаматига эришган” деб ўгириш мумкин. Бундан матн муаллифининг монийликка топингани англашилади. Шу сабаб унвонга “*ay täŋri*” ибораси қўшиб айтилган.

Матннинг кейинги компоненти *alp bilgä* [*qağan*] – иборасига кўпчилик тадқиқотчилар хоқоннинг исми сифатида қарайди. Бизнингча, бу хоқоннинг исми эмас, сифатидир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, мазкур унвонни қуйидагича ўгириш мумкин: “Ой тангридан марҳамат топган // Ой тангрининг марҳаматига эришган алп билга [хоқон]”. Бу ерда унвоннинг адресати берилмаган. Унинг ўрнига хоқоннинг даражаси [*qağan*] битилган.

Бунинг сингари ҳолни 1-Қорабалғасун ёдгорлигида ҳам учратиш мумкин. Ёдгорликнинг тикланган матни қуйидагича: [*B*]*u täŋrikän* [*ay*] *täŋridä q*[*u*]*t bulmuš al*[*p*] *bilgä täŋ*[*ŕ*]*i uyğur q*[*ağan*].

Матндаги *täŋrikän* сўзи “художўй” маъносини англатади. *ay täŋri* – Ой тангри, монийликдаги худолардан бири; *-dä* эски туркий тилда чиқиш келишиги қўшимчаси; *q*[*u*]*t bulmuš* эса “марҳамат топган // марҳаматига эришган” маъносида. Унвондаги *al*[*p*] *bilgä* сўзини тадқиқотчилар ҳукмдор исми сифатида талқин этадилар [12]. Ушбу сўзни хоқоннинг исми сифатида талқин этиш, афтидан, ўрта асрларда яратилган темурийларга тегишли унвонлар каби талқин этилишининг натижасидир [13]. Уларда хоқоннинг исми унвон билан бирга берилган (*Šāhruh bahadur sözüm; Sultān Umar šayx bahadur sözüm*). Уйғур хоқонлари қўллаган унвонларнинг барчасида *alp* ёки *bilgä* сўзлари қўшиб ишлатилган. Жумладан, 808–821 йилларда ҳукмронлик қилган хоқон унвонида: *ay täŋridä qut bulmïš alp bilgä qağan* – “ой тангридан қут топган алп билга хоқон”, 832–839 йиллари ҳукмронлик қилган хоқоннинг унвони: *ay täŋridä qut bulmïš alp külüg bilgä qağan* – “ой тангридан қут топган алп довруғли билга хоқон” [4.198–199]. Юқоридаги унвонларда келган *alp bilgä qağan* ёки *alp külüg bilgä qağan* унвондаги хоқоннинг сифати, унинг эл-улус олдида кўрсатган хизматлари учун берилган даражадир. Жумладан, 759–779 йиллар орасида ҳукмронлик қилган, асл исми Бўгу хоқоннинг қуйидаги унвонлари бўлган: *Täŋri qağan;Täŋridä el tutmïš, alp, külüg qağan; Täŋridä qut bulmïš, el tutmïš, alp, külüg, bilgä qağan* [4.198]; *Täŋri elig* [14.23–31]. Бизнингча, мазкур унвонларда хоқоннинг номи кўрсатилмаган. Унвондаги хоқон сифатини хоқоннинг исми сифатида талқин этиш мантиқан тўғри эмас. Агар матнлар шу фикрга асосланиб талқин этилса, ўхшаш ёки бир хил исмли хоқонлар тўлиб кетади. Ушбу унвонлар худди Арастунинг “Муаллими аввал” ёки Абу Наср Форобийнинг “Муаллими соний” каби унвонларининг ўзгинасидир.

Матндаги кейинги *täŋ*[*ŕ*]*i* сўзи бу ерда “хоқон, ҳукмдор” маъносини англатади. Фикримизча, ушбу сўзнинг бу ўринда қўлланиши бежиз эмас. У мазкур шахснинг хоқон эканлигини англатади. Матндаги *uyğur q*[*ağan*] эса ушбу шахснинг уйғур хоқонлиги ҳукмдори маъносини билдиради.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, мазкур унвонни қуйидагича трансформация қилиш мумкин: “Бу художўй, Ой тангридан марҳамат топган // Ой тангрининг марҳаматига эришган алп билга хоқон уйғур ҳукмдори[дир]”. Бу ўринда ҳам ҳукмдорнинг Ой тангридан иноят, марҳамат топгани унинг унвонига қўшилган.

Унвонларнинг аҳамиятли ери шундаки, уларда Кул тигин ва Билга хоқон унвонларида учрайдиган *täŋri* нинг ўрнида *ay täŋri // kün täŋri* сўзлари қўлланган. Бу эса унвонлари келтирилган кишиларнинг монийликка эътиқод қилиши, унга топинишининг далилидир. Шунингдек, бу ўринда кўк турк хоқонликлари даври анъаналарининг давомини кузатиш мумкин.

Юқоридаги фикрлар асосида ушбу унвонларни қуйидаги формулага келтириш мумкин: ***ay täŋri / /kün täŋri + I + S + U + qağan***. Бу ерда: **ay täŋri // kün täŋri** – монийликдаги тангрилар номи, **I** – хоқоннинг тангридан иноят топганини далилловчи компонент, **S** – хоқоннинг сифати, **U** – хоқоннинг унвони, **qağan** эса даражадир.

Бу формула (*aytäŋri // küntäŋri*) уйғур хоқонларидан кўпчилигининг унвонларида ўз аксини топган. Жумладан, битигларда уйғур хоқонларининг унвонлари қуйидаги шаклларда келган:

1. *ay täŋridä // bulmïš // külüg // bilgä // qağan*.
2. *ay täŋridä // qut bulmïš // külüg // bilgä // qağan*.
3. *ay täŋridä // qut bulmïš // alp // bilgä // qağan*.
4. *kün täŋridä // uluğ bulmïš // küčlüg // bilgä // qağan*.
5. *ay täŋridä // qut bulmïš // alp // bilgä // qağan*.
6. *ay täŋridä // qut bulmïš // alp // külüg // bilgä // qağan* [4.198–199].

Юқорида келтирилган унвонларда хоқоннинг исми келтирилмаган. Унда фақатгина хоқон унвони, унинг сифати ва эришган даражаси берилган, холос. Айрим тадқиқотларда хоқоннинг сифати ва унвони хоқон номи ўрнида ҳам қўлланилади.

Бизнингча, унвонларнинг пайдо бўлиш тарихи расмий муносабатларнинг пайдо бўлиш даврига бориб туташади. Вақт ўтиши билан унвонлар яхлит бир қолипга тушиб қолган. Бу юқоридаги мисолларда ўз аксини топади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, монийликнинг қабул қилингани уйғур хоқонлиғи ҳукмдорларининг унвонига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Унвонларнинг бошида анъанавий тарзда ёзиладиган *täŋri* ўрнига *aytäŋri* ёки *küntäŋri* сўзлари ишлатила бошланди. Ушбу жумлаларни қўллаган унвон эгалари монийликка хайрихоҳ бўлган, деб қараш мумкин. Қизиғи шундаки, унвонларда кечган ушбу ҳол турк-будда муҳитида учрамайди.

Адабиётлар:

1. Ҳакимов М. Шарқ манбашунослиги луғати.- Т., 2013.

2. Қаралсин: Радлов В.В. Титулы и имена уйгурских ханов // Записки Восточного отделения Русского археологического общества. Т. 5.- СПб., 1891.- С. 265–270; Содиқов Қ. Кўк турк битиглари: матн ва унинг тарихий талқини.- Т., 2004.- Б.66–72; шу муаллиф: Туркий ёзма ёдгорликлар тили: адабий тилнинг юзага келиши ва тикланиши.- Т., 2006.- Б.175–178; шу муаллиф. Билга хоқон ёрлиғининг унвони ва туркий ҳужжатчилик тарихида анъана масаласи. // Ўзбек шарқшунослиги: бугуни ва эртаси. Илмий тўплам. №6.- Т., 2015.- Б.59–63; шу муаллиф. Темурий хонларнинг уйғур ёзувида битилган ёрлиқлари: матн тузилиши ва услуби. // Туркшунослик изланишлари. Иккинчи тўплам.- Т., 2009.- Б.4–28; Шабалов А.С. Титулы и имена уйгурских ханов (монголоязычная интерпретация). // Известия Иркутского государственного университета. Серия «История». №1(4).- Иркутск, 2013.- С. 131–145; Б.Маннонов, Г.Остонова, Ш.Камолиддин. Амир Темурнинг туркий ёрлиғи.- Тошкент, 2005; Исхаков М., Камолиддин Ш., Бабаяров Г. Титулатура доисламских правителей Чача. – Т.: ТашГИВ, 2009; Кляшторный С.Г. About the Khazar title in Ibn Fadlān. // Памятники древнетюркской письменности и этнокультурная история Центральной Азии.- СПб.: Наука, 2006.- С. 547–549.

3. Содиқов Қ. Қорабалғасун ёдгорликларининг туркий матни ва уйғур хоқонлиғи даврида тарихий монументал матн тузиш анъанаси. // Хитой ва Марказий осиё халқларининг маданий, адабий, тил алоқалари: ўтмиш ва ҳозирги замон.- Т., 2004.- Б.19–27.

4. Камалов А.К. Древние уйгуры VIII-IX вв.- Алматы, 2001.

5. Камалов А.К. Эпиграфические памятники уйгурской эпохи. // Иран-наме. Научный востоковедческий журнал. №4(8).- Алматы, 2008.- С. 215–220.

6. Камалов А.К. Эпиграфические памятники уйгурской эпохи. // Иран-наме. Научный востоковедческий журнал. №4(8).- Алматы, 2008.- С. 215; Кляшторный С.Г. The Terkhin inscription, The Tes inscription of the Uighur Bögü Qaghan, East Turkestan and the qaghans of Ordubalïq. The interpretation of the fourteenth line of the Terkhin inscription, Сэврейский камень. // Памятники древнетюркской письменности и этнокультурная история Центральной Азии.- СПб.: Наука, 2006.- С. 128–176.

7. Древнетюркский словарь.- Ленинград, 1969.

8.Содиқов Қ. Туркий ёзма ёдгорликлар тили: адабий тилнинг юзага келиши ва тикланиши. – Тошкент, 2006.

9. Gabain von A. Alttürkische Grammatik. Leipzig, 1950. Pp. 247; Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности. Тексты и исследования.- М.-Л., 1951.- С.27, 33, 61, 64; Абдураҳмонов Ғ., Рустамов А. Қадимги туркий тил.- Т., 1982.- Б.89, 91.

10. Содиқов Қ.Кўк турк битиглари: матн ва унинг тарихий талқини.- Т., 2004.- Б.66–68; Содиқов Қ. Эски туркий битиглар.- Т., 2009.- Б.18, 23, 31, 39; Sodiqov Q. Turkiy til tarixi.- T., 2009.- B.290, 294, 301, 309.

11. Содиқов Қ. Билга хоқон ёрлиғининг унвони ва туркий ҳужжатчилик тарихида анъана масаласи. // Ўзбек шарқшунослиги: бугуни ва эртаси. Илмий тўплам. №6.- Т.- 2015.- Б. 59–63.

12. Содиқов Қ. Қорабалғасун ёдгорликларининг туркий матни ва уйғур хоқонлиғи даврида тарихий монументал матн тузиш анъанаси. // Хитой ва Марказий осиё халқларининг маданий, адабий, тил алоқалари: ўтмиш ва ҳозирги замон.- Т., 2004.- Б.20; Orkun H.N. Eski Turk yazitlari.- Ankara, 1986.- S. 85, 96.

13. Содиқов Қ. Темурийлар даврида яратилган уйғур ёзувли ёрлиқлар. // Sharq mash'ali.- 2014.- № 1.- Б.30–35.

14. Betül Özbay. HUASTUANIFT. Manihaist Uygurlarin Tövbe Duası. Türk Dil Kurumu Yayınları.- Ankara, 2014.

Тошкент давлат шарқшунослик институти,
2015 йил 8 сентябрда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Қ.Содиқов)